Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**26.01.2022 даги**

**Филиал НКЭИС "Узбекинвест" в Сырдарьинском области ва Жиззах бош насос станцияси бошкармаси ўртасида 3384000,00 сўм умумий суммага тузилган 11-12/008110002 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 170

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860082207042402170003

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | 3 384 000,00 | | | 3 384 000,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **3 384 000,00** | | | **3 384 000,00** |

Жами 3384000,00 сўм　　Уч миллион уч юз саксон тўрт минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 3384000,00 сўм ёки 100,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари　________ (имзо)　Кулатов Анорбой Қаршибоевич
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери　________ (имзо)　Имамов Жахонгир Холдарович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди　________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди　________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича**

**ШАРТНОМА № 11-12/0081100 02**

Ушбу шартнома ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июнда 141-сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган қоидаларга асосан ишлаб чиқилган

**Гулистон ш.** **«26» 01 2022 йил**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 2020 йил 11 декабрдаги СФ №00006 лицензияга мувофиқ фаолият кўрсатувчи, кейинги ўринларда «Компания» деб аталувчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси номидан «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖнинг Филиал тўғрисидаги низоми ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи Компаниянинг Сирдарё вилоятидаги филиали Директори в.б. У. Орипов бир томондан ва кейинги ўринларда «Суғурталанувчи» деб аталувчи Жиззах бош НСБ низом асосида иш юритувчи рахбар А. Куклотов бошқа томондан ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта обьектидир.

1.2. Томонлар ушбу шартномада кўрсатиб ўтилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига амал қилинади.

## 2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Суғурта қилдирувчининг транспорт воситасидан фойдаланиш даврида учинчи шахсга етказилган зарарни Компания томонидан суғурта товонини амалга оширишини кўзда тутувчи Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

## 3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

3.1.1. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;

3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;

3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;

3.1.4. Атроф муҳитнинг ифлосланиши;

3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;

3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

3.1.7. Ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурияти;

3.1.8. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

3.1.9. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;

3.1.10. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

3.1.11. Жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-

3.2. 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

## 4. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта товони хар бир транспорт воситаси учун **40 000 000.00 (Қирқ миллион)** сум белгиланади. Улардан:

а) жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 35 фоизгача;

б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 65 фоизгача;

4.2. Суғурталанаётган транспорт воситасининг сони **27 (Йигирма етти)** дона.

4.3. Суғурта қилишга эълон қилинган транспорт воситаларининг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ушбу суғурта шартномаси бўйича умумий суғурта суммаси **1 080 000 000.00 (Бир миллиард саксон миллион) сўм** белгиланади.

4.4.Суғурта полисида ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг суғурта мукофоти тўланган кунда белгиланган курси миллий валютада (сўмда) кўрсатилади.

4.5. Суғурта мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар ҳар бир транспорт воситаси учун ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбуриятлари суғуртаси қоидалари асосида амалга оширилади.

4.6.Ушбу шартномага тақдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий суғурта мукофоти **3 384 000,00 (Уч миллион уч юз саксон тўрт минг) сумни** ташкил этади.

4.7. Суғурта мукофотлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов амалга оширилаётган кундаги курси бўйича Ўзбекистон республикаси миллий валютасида нақд пулсиз шаклда тўланади. Суғурталовчининг мажбурияти мазкур шартнома бўйича пул маблағлари суғурталовчининг (вакили) банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушган кундан сўнг кучга киради.

4.8. Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Компания жабрланувчига суғурта товони тўласа, у ҳолда Суғурта қилдирувчи Компаниядан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки хафта муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

## 5. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

5.1 Ушбу мажбурий суғурта шартномаси суғурта мукофоти тўлангандан сўнг кучга киради, шартнома муддати суғурта полисида кўрсатилади.

5.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси суғурта мукофоти тўлангандан сўнг тақдим этилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Суғурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.6. бандига асосан тўлаб бериши.

6.1.2. Ходимларни (хайдовчиларни) ЙТХ содир бўлганда ДЙХХБ ходимларини кутиши ва жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий суғурта полиси нусхасини тақдим этишлик тўғрисида огоҳлантириш.

6.1.3. Суғурта ходисаси содир бўлганда:

- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоғи билан 72 соат ичида ёзма равишда суғурта полиси нусхаси билан Компанияни суғурта ҳодисаси тўғрисида УзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори 6-иловасига мувофиқ хабардор этиш.

6.2. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Суғурта қилдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини Компаниянинг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, Суғурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг суғурта товонини олиши мумкин.

6.3. Компаниянинг мажбуриятлари:

6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ёки Суғурта қилдирувчига (агар суғурта товони ўз ҳисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган ҳолларда суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;

6.3.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси йўқотиб қўйилган тақдирда унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар Компания томонидан Суғурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Компаниянинг ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёҳуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, Компания жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

## 7. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта суммасидан ошмаган миқдорда Компания томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўлаб берилади.

7.2. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг Компанияга билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

7.3. Агар Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини Компаниянинг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этганидан кейин Компания Суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Бунда Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак (асли ёки нусҳалари):

- суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги жабрланувчининг аризаси;
- суғурта полиси;
- зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёҳуд ҳаётга ёки соғликка зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёҳуд гувоҳнома);
- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
- жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёҳуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса);
- банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусҳаси.

7.4. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

7.5. Суғурта товонини тўлаш Компаниянинг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Компания зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик холатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ходисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган хайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда).

8.2. Бунда Компания мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида санаб ўтилмаган бошқа табиий ҳодисалар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, қамаллар, давлат ташкилотларининг ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) оқибатида келиб чиққан фавқулодда, ушбу шароитларда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда ва тўхтаганда тарафлар ёзма шаклда бир-бирини хабардор қиладилар.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда мажбуриятларни бажариш муддатини тарафлар форс-мажор ҳолатлари мавжуд бўладиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Суғурта қилдирувчи ва Компания ушбу шартнома бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартиб ва шартларда ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли равишда бажармаганда жавобгар бўладилар.

10.2. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, низолар музокаралар йўли билан ҳал бўлмаган тақдирда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Компания: | Суғурта қилдирувчи: |
|---|---|
| **“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ** | Жиззах бош НСБ |
| **Сирдарё вилоят филиали** | **Манзил** Зарбдор тумани Бўстон ш. |
| **Манзил: Гулистон шахар** | **Тел:** 0-372-512-14-04 |
| **Хондамир кўчаси 43-уй** | **х/р** 23402000300100001010 |
| **Тел.: 67 236-01-03** | ш.х/р. 100010860082207042402170005 |
| **Х/р 2021 6000 1043 4838 7001** | **МФО** 00014 **ИНН** 302580489 |
| **Банк коди 00363, СТИР 204420442** | АББ ХКМИ Тошкент ш. |
| **Компания номидан:** | **Суғурта қилдирувчи номидан:** |
| ____________ **У. Орипов** | А. Курпатов ____________ |
| (имзо) | (Ф.И.Ш.) (имзо) |
| м.у. | м.у. |

Юрист:

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

| Т/Р | Транспорт воситалари | Давлат раками | Суғурта суммаси | Суғурта мукофоти (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Нексия | 20 113 QAA | 40 000 000.00 | 120 000.00 |
| 2 | MAZ-5551 | 20 501 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 3 | Otayol-65.9 | 20 992 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 4 | GAZ-5327 | 20 994 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 5 | GAZEL-3302 | 20 516 FAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 6 | GAZ-5327 | 20 993 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 7 | GAZ-5327 | 20 997 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 8 | GAZ-5227 | 20 520 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 9 | GAZ-5227 | 20 519 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 10 | GAZ-5227 | 20 521 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 11 | DAMAS | 25 462 RAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 12 | DAMAS | 25 465 RAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 13 | DAMAS | 25 463 RAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 14 | GAZ-3307 | 20 514 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 15 | PAZ-32053 | 20 989 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 16 | OTAYOL-M-2321 | 20 988 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 17 | OTAYOL-M-24.9 | 20 502 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 18 | GAZ-53 12 39 66 | 25 106 DAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 19 | GAZEL-3221314 | 20 971 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 20 | GAZEL-3221314 | 25 105 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 21 | GAZEL-3221314 | 20 998 CAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 22 | MAZ-52337 SMK 10 | 20 522 EAA | 40 000 000.00 | 144 000.00 |
| 23 | ТТЗ-80-10 | 20 AA 329 | 40 000 000.00 | 48 000.00 |
| 24 | ТТЗ-80-10 | 20 AA 330 | 40 000 000.00 | 48 000.00 |
| 25 | ТТЗ-80-10 | 20 AA 326 | 40 000 000.00 | 48 000.00 |
| 26 | Трактор Т-40 | 20 AA 331 | 40 000 000.00 | 48 000.00 |
| 27 | Трактор Т-28х4 | 20 AA 327 | 40 000 000.00 | 48 000.00 |
| | **ЖАМИ:** | | **1 080 000 000.00** | **3 384 000.00** |

Шартноманинг умумий суғурта мукофоти **3 384 000,00 (Уч миллион уч юз саксон тўрт минг)** сум ташкил этади

**Компания:**

**"Ўзбекинвест" ЭИСК АЖ**
**Сирдарё вилоят филиали**
**Манзил: Гулистон шахар**
**Хондамир кўчаси 43-уй**
**Тел.: 67 236-01-03**
**Х/р 2021 6000 1043 4838 7001**
**Банк коди 00363, СТИР 204420442**
**Компания номидан:**

_______________ **У. Орипов**
**(имзо)**

**м.у.**

**Суғурта қилдирувчи:**

Жиззах Бош НСБ
**Манзил** Зарбдор тумон бўстон ш.
**Тел:** 0-372-512-14-04
**х/р** 23402000300100001010.
ш.к/р. 10001086008120704240217000 3
**МФО** 00014 **ИНН** 302580489
МББ ЮКИМ Тошкент шаҳар
**Суғурта қилдирувчи номидан:**

А. Курбатов _______________
**(Ф.И.Ш.)** **(имзо)**

**м.у.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI

Sug'urtalovchilarni va sug'urta brokerlarining sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun

# LITSENZIYA

Seriya SF 00006 -son

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug'urta bozorini rivojlantirish agentligining 20 20yil " 11 " dekabr dagi 8-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya

"O'zbekinvest" eksport-import sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyatiga
(litsenziya egasining to'liq nomi)

umumiy sug`urta sohasida quyidagi klasslar:

1-klass – Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;
2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;
3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;
4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;
5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;
6-klass – Dengiz sug'urtasi;
7-klass – Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;
8-klass – Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;
9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;
10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;
12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;
13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;
15-klass – Kafillikni (kafolatlarni) sug'urta qilish;
16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;
17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha ixtiyoriy va majburiy sug'urtani amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta manzili): O`zbekiston Respublikasi, 100113, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Cho'pon ota ko'chasi, 6-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsiya raqami: 201222058

Litsenziya berilgan sana: 20 20 yil " 11 " dekabr

Reyestr bo'yicha tartib raqami: 00006

Mas'ul shaxs: K.Talipov (F.I.Sh.) (imzo)

M.O'. № 00006

---





## Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"O'ZBEKINVEST EKSPORT-IMPORT SUG'URTA KOMPANIYASI" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti
(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"O'ZBEKINVEST EKSPORT-IMPORT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ ST
(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.03.1997 386-K ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.
(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 201222058

Tashkiliy-huquqiy shakli: Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, CHO`PON OTA KO`CHASI 6-UY ,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan
(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):